



1 ОКТЯБРЬ – УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Бугунги кунда юртимизда минглаб мактаб, лицей, коллеж, диний мадрасалар, диний олийгоҳлар дунё стандартларига жавоб берадиган қилиб бунёд қилинди, қайта таъмирланди. Узоқ қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ҳам мана шундай гўзал илм даргоҳларини кўриб кўзинг қувонади. Айниқса, турли-туман китобларнинг чоп этилиши, бизни хурсанд қилади. Эрта тонгдан мактабга тўп-тўп бўлиб бораётган ёшларни кўриб кўзинг қувонади. Уларнинг мурғак қалблари, узоқни кўзлаган орзулари, шоду хуррамликларини кўриб, болаликка қайтгинг келади. Бугун чет тилларида равон сўзлашаётган, дунё ўқувчилари орасида биринчи ўринни эгаллаб келаётган ёшларни кўрганда: “Асли ибн Синолар, Беруний ва Бухорийларнинг авлодлари-да, асли-насли тоза ёшлар-да!”, деб фахрланамиз. Бугун касбга қизиқиб уни мукаммал эгаллаган ёшлар, дунёнинг турли шаҳарларида ўз қобилиятини кўрсатаётганларини кузатиб: “Устозингга, отангга балли”, деймиз. Демак юртимизда яшаётган ҳар бир ватандошимизнинг ютуғи ва муваффақиятидан нафақат улар, уларнинг устоз ва ота-оналари, балки бутун юрт одамларининг қалбида ғурур, юзларида сурурни кўрамиз.

Устозсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Дунёда устознинг меҳнатидан оғир меҳнат йўқ. Ҳеч нарсани билмайдиган ёш болага ўқиш-ёзишни ўргатгунча чекиладиган машаққатни гапирмасак ҳам бўлади. Эндигина спорт сари қадам қўйган спортчини дунё миқёсига кўтаргунча чекиладиган меҳнатлар ёки бор маҳоратини ёш болага ўргатадиган ҳунарманднинг меҳнати, сабр-қаноатини кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўзим ҳам мадрасада дарс берганман, бу касбнинг нақадар шарафли ва машаққатли эканини яхши биламан. Ўйлаб кўринг, ўзингиз билган нарсани бировдан қар куни сўраш, ўргатиш, онгига жойлаш осонми? Бу меҳнатнинг шарафли томони – шогирдларнинг, бир марта устоз деб чақиришларидан ортиқ бахт ва олқиш оламда йўқ. Бунинг савобини айтмайсизми, ҳисобсиз!? Ўйлаб кўрсак, бир одамни илмсизлик, жоҳиллик ва иймонсизликдан сақлаб қоламиз. Гуноҳ ва маъсият ботқоғига тушиб, ҳаётда қоқилмасин деб, қўлимиздан келган, ўзимизда бўлган бор илмни уларга берамиз.



УСТОЗЛАР

Мўминларни ҳақ йўлига бошлаган,
Ҳикматлар уммонига ўзин ташлаган.
Панду ҳикмат тилларидан тушмаган,
Устозлар суҳбатин қўмсар бу кўнгил.




Поклигу тақвонинг йўлини тутган,
Шогирдлардан фақат улуғлик кутган,
Уларнинг бахти деб роҳат унутган,
Устозлар дуосин истар бу кўнгил.



Бизни гоҳо койиб, гоҳо эркалаб,
Шўхлигимиз ўтар ёшликка йўйиб,
Меҳр ила шогирдлар бошини силаб,
Устозлар қўл тафтин соғинар кўнгил.






Тамага ул шайтон қилади вос-вос,
Аллоҳ розилигин ҳамма тополмас.
Ҳаққимизга холис дуо қилса бас,
Деган холисларни излар бу кўнгил.



Сулаймон қори-ю, Усмонжон устоз,
Темирхон пиримиз валийлиги хос.
Салоҳиддин домла ҳақиқий мумтоз,
Сизларни эсласа қувнар бу кўнгил.



Аллоҳ раҳматига дохил бўлингиз,
Фирдавс жаннатларда шодон кулингиз,
Аллоҳ жамолини шаксиз кўрингиз,
Дуолар қабуллигин кўзлар бу кўнгил.



Намуна эдилар, ахлоқда тенгсиз,
Шогирдлари илмда мисоли денгиз,
Шайх устоз доимо қалбимиздасиз,
Қайдасиз, устозлар, бўзлар бу кўнгил.

Ўзбекистон Республикаси 1-Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асаида келтирилганидек:

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади...”



педагогларга замонавий ёндашув..

- ▶ “Педагог фарзандларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг **ўзи ана шундай** билимга эга бўлиши керак...”

▶ *Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти*
И.А.Каримов

ота ким ? Устоз ким ?

Дедим: **Ота ким?**

Деди:

— Яратганнинг инояти ила фарзанд дунёга келишига сабабчи, умрини зурриёдларини асраб-авайлаб, вояга етказишга бағишлаган зот.

1. Дедим:

— **Комили устоз ким?**

Деди:

— Ўзида зохирий ва ботиний гўзалликни мужассам этган зот.

Дедим:

— **Қандай устоз шогирди учун ибрат бўла олади?**

Деди:

— Пок орзуларига унинг ўзидек ишонса, муваффақиятига ундан-да ортиқ қувонса... шогирдининг ҳар бир ишига меҳрли ва эътиборли бўлса.

Шарқ алломаларининг ёндашуви



- “Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўқшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрини тўла ва аниқ ифодалай олиши лозим. Шу билан бирга ўзи орномусини кадрлаш, адолатли бўлиши лозим. Анашундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади”

➤ *Абу Насир Ал
Фаробий*

Абу али ибн сино

“Ўқитувчи матонатли,
ростгўй ва болани тарбиялаш
методларини, **ахлоқ**
қоидаларини яхши биладиган
одам бўлмоғи лозим.
Ўқитувчи ўқувчининг бутун
ички ва ташқи дунёсини
ўрганиб, унинг ақл
қатламларига кира олмоғи
лозим”



Насриддин тусий (1201-1277)


“Ўқитувчиларнинг тарбиялаш тўғрисида” асарида – “Ўқитувчи мунозарани олиб боришни рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлаларнинг мантиқан ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда **захарҳандали**, кўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас..”



“Агар шогирд
подшоликка эришса ҳам,
унга (таълим берган
устозига) қуллик қилса
арзийди”,

**“Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўргатмиш
ранж ила,**


**Айламоқ осон эмас
ҳаққин адо минг ганж
ила”**



Алишер навоий (1441-1501)

Устозга эҳтиром

- **Усталарга эҳтиром кўрсатиш** халқимиза хос қадриятдир.
-
- **Республикамизда 1- октябр “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами.**
-
- **Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға асосан мукофотландилар.**

- 
- **“Ўзбекистон Қаҳрамони”**
 - **«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**
 - **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**
 - **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**
 - **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

Халқимиз азалдан устозларни, умуман, кўпни кўрган, ақл-заковат ва меҳнати билан эл орасида танилган, қайси соҳада бўлмасин, ўз билими ва тажрибасини бошқаларга, хусусан, ёшларга ўргатган кишиларни алоҳида эъзозлаган. Бу эзгу анъана истиқлол йилларида юртимизда янгича маъно-мазмун касб этди.

Жамиятда педагогларнинг маъқеини янада юксалтириш, ёш авлодга чуқур билим бериши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 1997 йилдан буён 1-октябрнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани муаллим зотига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромнинг юксак намунасидир.

Ўтган 25 йил юртимиз таълими тараққиётида беқиёс юксалтириш даври бўлди. Мустабид тизимдан қолган бирёқлама ўқитиш услубидан бутунлай воз кечилиб, таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди. Ёшларнинг чуқур таълим-тарбия олиши ва касбий-малакавий тайёргарлигини талаб даражасида таъминлашга хизмат қилаётган 9+3 схемаси асосидаги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим, бакалавриатура ва магистратура йўналишларидан иборат олий таълим муассасаларининг юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бу вазифаларни амалга оширишда педагогларнинг хизмати ғоят масъулиятли ва шарафлидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 65-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) куни деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова) 131-моддаси **олтинчи хатбошидан** кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;»

Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 29 декабрь **Қонуни** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 26-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Муаллим

миллатни
нг юзи,
Ватан
истикболи
нинг асл
бунёдкори
дир





*Байрамингиз
муборак бўлсин,
азиз устозлар!*

ONA TILI

Kids' English

1

Uz tili - Kuzov

КОЧАК
МАЪНАФИЙ
ФИЙЛИМАҚ ҚОМ

МАТЕМАТИКА

1

ALIF

Юртимизда истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода кадр ва эъзоз топди. Бу ҳақда гап борар экан, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида бунёд этилган мактаб, лицей ва касб-хунар коллежларини, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишларни айтиб ўтиш ўринли бўлади. Энг муҳими бундай замонавий билим масканларида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича ўзига хос янги тизим жорий этилган. Бу бежиз эмас. Чунки уларнинг меҳнати ана шундай юксак эътибор ва эъзозга муносибдир”.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат - эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик хисси пайдо бўлади. Устозларимиз ўғити, кекеаларимиз панд-насихатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз. Бу билан устоз ва мураббийларимиз олдидаги илк бурчимизни адо этган бўламиз. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Халқимиз устозларни эъзозлаб: “Устознинг умри - мангу, чунки шогирдлар умри унга уланади”, - дейди. Ҳа, жуда ҳам тўғри фикр. Муаллим - устоз шундай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Устоз ва мураббий! Биз барчамиз ёшимиз, касбу коримиздан қатъий назар, бу сўзларни эшитганимизда кўнглимиздан фақат илиқ фикрлару ёрқин хотиралар ўтади. Шу тобда кўз ўнгимизда кўлимизга қалам тутқазиб, эндигина илм оламига етаклаган биринчи устоз-муаллим, қийналиб турганимизда масаланинг тугунини ечишга ёрдам қилган, биргина шу амали билан умр бўйи ёдимизда қолган киши гавдаланади. Қалбимизда унутилмас из қолдирган кадрдон илм даргоҳи ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни қагга ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз.



**Ота-оналар, устоз-мурааббийлар, ёшлар тарбиясига асло
бепарво бўлманг!**

Шавкат Мирзиёев

Байрамингиз муборак, азиз устозлар !

ЭЪТИБОРИНГИЗ

УЧУН

РАХМАТ!